

ТАСДИҚЛАЙМАН
Қашқадарё вилояти статистика
бошқарма бошлиғи
_____ **Ф.С.Тураев**

“___” ноябр 2017 йил

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш
ва ижро интизоми назорати бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сонли қарори билан ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати масаласида ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш, ижрочиларга етказиш, уларнинг ижро этилишини назорат қилиш, мурожаатлар бўйича тайёрланган жавобларни рўйхатга олиш ва уларни мурожаат муаллифларига юбориш, мурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда ушбу йўналишларда тизим органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-саҳифаси орқали келиб тушган мурожаатларни қонун ҳужжатлари талаблари асосида кўриб чиқилишини ташкил этиш, вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

юклатилган асосий функциялар бўйича тизим органларида бажарилаётган ишлар ҳолатини доимий таҳлил этиб бориш ва натижалари бўйича тезкор ахборотларни мунтазам равишда вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритиб борилишини таъминлаш;

вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва бу соҳада ижро интизомини таъминлаш масалалари юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш ҳамда амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама этиш учун таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилишига киритиб бориш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиш, мазкур масалада иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва қатъий назорат ўрнатиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этишда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда тизим органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти бўйича маълумотлар базасини юритиш.

б) Вилоят статистика бошқармаси тизимида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва назоратини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишларда тизим органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

Вилоят статистика бошқармаси тизимида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини, шунингдек ҳужжат айланишини ташкил этиш ва ушбу йўналишда вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини доимий назорат қилиш ва мониторинг ўрнатиш, ушбу қабул қилинган қарорларни ижросини таъминлаш бўйича вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан назорат (чора-тадбирлар, ҳаракат, график) режаларини ишлаб чиқилиши ва ижроси таъминланиши юзасидан мониторинг ташкил қилиш ҳамда доимий назоратга олиш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, келиб тушаётган корреспонденцияларни кўриб чиқиш

ишларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этиш, бу борадаги фаолият юзасидан мониторинг олиб бориш ва назорат ўрнатиш;

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларида ижро интизомини таъминлаш масалалари юзасидан доимий мониторинг ўрнатиш, ижро назоратида бўлган ҳужжатлар бўйича кунлик маълумотларни вилоят статистика бошқармаси бошлиғига тақдим этиб бориш, бу борада олиб борилаётган ишларни тезкор ва бирламчи маълумотлар асосида кўриб чиқилишини таъминлаш учун ҳар ойда икки марта вилоят статистика бошқармаси бошлиғига киритиб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама этиш учун таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилишига киритиб бориш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ҳамда архив фаолиятини ташкил этиш бўйича қабул қилинган меъёрий-услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

ҳужжатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизими орқали жорий қилиш ишларини ташкил этиш, мазкур йўналишда вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари туман ва шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, келиб тушган корреспонденциялар билан ишлашни, ижро интизомини мустаҳкамлашни ва доимий назоратини олиб боришни ҳамда кирувчи ва чиқувчи ҳужжатлар бўйича маълумотлар базасини юритишни таъминлаш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Вилоят статистика бошқармаси тизимида иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш юзасидан белгиланган вазифалар ижроси бўйича мониторинг ташкил этади, бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

Вилоят статистика бошқармаси ҳамда бўлимнинг жорий ва истиқболдаги иш режаларига мувофиқ, ўз ваколати доирасида тизимли равишда ва белгиланган муддатларда таҳлилий ва бошқа материалларнинг тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида идоравий архив фаолиятини ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва назоратини амалга оширади;

бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш борасида вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларига методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ижро интизоми назорати соҳасида самарадорликни ошириш юзасидан вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

бошқарма тармоқ бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш;

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан корреспонденциялар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ҳамда ҳужжатларни ижро этиш муддатларига риоя этилишини талаб қилиш;

бўлим томонидан мувофиқлаштириладиган йўналишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа маълумотларни юқори даражада тайёрлаш;

бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлим тузилмасига Бўлим бошлиғи, шунингдек:

етақчи мутахассис, иш юритувчи котиб, Техника хавфсизлиги ва фуқаролар муҳофазаси 2-тоифали муҳандис, раҳбар котибаси ва архивариус киради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими қуйидаларни амалга оширади:

Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

келиб тушган ёзма, оғзаки ёки электрон мурожаатни ўрганиб чиқиб, рўйхатга олиш, кўмита раҳбарияти резолюцияси бўйича тегишли таркибий бўлинмаларга ижрога юбориш ва назоратга олиш;

ижрочи томонидан тайёрланган жавоб хати билан танишиб чиқиш ва назоратдан олиш, зарур ҳолларда мурожаат этувчи билан телефон орқали боғланиб, мурожаатнинг қаноатлантирилганлигига аниқлик киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш, масалалар кесимида таҳлили ва назоратини юритиш бўйича электрон базани шакллантириш, бу борада ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича мониторингни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ҳужжатларни сақланиши ва келгусида белгиланган тартибда идоравий архив сақловига топшириш ишларини амалга ошириш;

тизимли равишда туман ва шаҳар статистика бўлимларида мақсадли ўрганишлар ўтказиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда (давлат статистикасига тегишли қисми бўйича) иштирок этиш.

Вилоят статистика бошқармасида иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро назоратини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари ҳамда умумий кўринишдаги қирувчи ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича фаолиятни ташкил этиш, бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

бўлимга келиб тушган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш ва пухта таҳлил қилишни таъминлаш;

бўлим ваколатига қирувчи ўз қарорларини қабул қилиш, уларни ҳудудий статистика органларига, жойлардаги аниқ ижрочиларга тезкорлик билан етказиш, шунингдек ижросини назоратга олиш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимига қирувчи таркибий, туман ва шаҳар статистика бўлимларида ҳужжатлар айланишини таъминлаш, ижро назоратини мустаҳкамлаш бўйича мониторингни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, Давлат статистика кўмитасининг қарорлари, буйруқлари, назорат режалари ва ҳужжатлари, шунингдек вазирлик, идора ва ташкилотлардан келган ҳужжатларни рўйхатга олиш ҳамда ушбу ҳужжатларнинг электрон базасини юритиш, бу борада ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;

юклатилган асосий вазифалар бўйича тизим бўлимларида бажарилаётган ишлар ҳолатини доимий таҳлил этиб бориш ва натижалари бўйича тезкор ахборотларни мунтазам равишда бошқарма бошлиғига киритиб борилишини таъминлаш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида идоравий архив фаолиятини ташкил этиш, бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назоратини амалга ошириш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини таъминлаш, архив фаолиятини ташкил этиш ишларини такомиллаштириш бўйича услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ва чиқувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишда индекслаш қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда йиғмажилдларни номенклатура рўйхати асосида шакллантириш;

тизимли равишда туман ва шаҳар статистика бўлимларида мақсадли ўрганишлар ўтказиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш борасида вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларига методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда (давлат статистикасига тегишли қисми бўйича) иштирок этиш.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлимнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бошқарманинг иш режалари ва бошқарма ходимларининг функционал вазифалари ҳамда бўлимнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

17. Бўлим бошлиғи:

бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш,

уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

бўлимда ҳужжатлар билан ишлашда, топшириқлар ижросини таъминлашда ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами” да белгиланган тартибларга қатъий риоя қилади;

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек вилоят статистика бошқармаси раҳбариятининг топшириғига биноан бўлим тасарруфига қирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

ҳар ойнинг иккинчи ва охириги жума кунлари вилоят статистика бошқармаси тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чоратadbирлар мониторинг яқунлари юзасидан ўтказиладиган йиғилишда иштирок этади ва баённомада қайд этилган топшириқлар ижроси юзасидан мониторинг ўрнатади;

бўлим фаолиятига оид норматив ва методологик ҳужжатларини пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

бўлим фаолиятига оид масалалар бўйича вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Вилоят статистика бошқармаси, туман ва шаҳар статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади;

Вилоят статистика бошқармаси ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига қирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёланишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

бўлим кадрлар захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, қирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказилади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

18.Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим таркибига кирувчи бўлим етакчи мутахассиси бажаради.

19.Бўлим бошлиғи:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Вилоят статистика бошқармаси ва бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Давлат статистика қўмитасида, Вилоят ҳокимлигидан, вазирлик, идора ва ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “Е-хат” электрон тизими орқали келган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, корреспонденцияларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва идоравий ички электрон ҳужжат айланиш тизимига киритиш ва бу борада иш юритишни белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимоли асосида резолюция қўйиш учун киритади;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган “ХДФУ” ва “ХФУ” ҳужжатларини рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланишини таъминлаш бўйича назоратни амалга оширади;

Давлат статистика қўмитасининг ижро интизомини автоматлаштирилган назорати дастури (Stat.Doc)га киритилган ижро назоратидаги ҳужжатларни белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш юзасида таркибий бўлимлар бошлиқлари ва ходимлари, туман (шаҳар) статистика бўлим бошлиқлари билан тегишли ишларни олиб боради;

назоратга олинган ҳужжатлар бўйича доимий равишда таҳлилий ишларни амалга оширади ва ижро ҳолати бўйича кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик маълумотларни бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларига киритиб боради;

Давлат статистика кўмитаси ва вилоят ҳокимлигига, вилоят статистика бошқармаси тизимида назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича ойлик ва чораклик таҳлилий маълумотларни тасдиқланган жадваллар асосида тайёрлаб, белгиланган тартибда тақдим қилинишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг, туман ва шаҳар статистика бўлимларидан амалдаги тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни электрон ва имзоланган шакллари белгиланган муддатларда олиниши ҳамда назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда мониторинг олиб борилишини назорат қилади;

бўлим фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуги ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Вилоят статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек ҳар ойнинг иккинчи ва охириги жума кунлари вилоят статистика бошқармаси тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторинг яқунлари юзасидан ўтказиладиган йиғилишда иштирок этади ва баённомада қайд этилган топшириқлар ижроси юзасидан мониторинг ўрнатади;

Вилоят статистика бошқармаси, туман ва шаҳар статистика бўлимларида иш юритиш йўриқномаларини, ишлар номенклатураларини тузишда, иш юритишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

бўлимга юкланган масалалар бўйича вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатилади;

Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади ҳамда иш юритиш, ҳужжатларни рўйхатга олиш, ижро этиш ва сақлаш ҳолатини ўрганиб боради;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, маълумотлар, ҳужжатларни сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимда ҳужжатлар билан ишлаш, топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизومي ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари,

Давлат статистика кўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қилади;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Давлат статистика кўмитасида, вилоят ҳокимлигида, вазирлик, идора ва ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “Е-хат” электрон тизими орқали келган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, корреспонденцияларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва идоравий ички электрон ҳужжат айланиш тизимига киритиш ва бу борада иш юритишни белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимооти асосида резолюция кўйиш учун киритади;

Вилоят статистика бошқармасининг ижро интизомини автоматлаштирилган назорати дастури (Stat.Doc)га киритилган ижро назоратидаги ҳужжатларни белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш юзасида таркибий бўлим бошлиқлари ва ходимлари билан тегишли ишларни олиб боради;

назоратга олинган ҳужжатлар бўйича доимий равишда таҳлилий ишларни амалга оширади ва ижро ҳолати бўйича кунлик, ҳафталик, ойлик ва чорақлик маълумотларни бўлим бошлиғи ва бошқарма раҳбариятига киритиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларида ҳамда вилоят ҳокимининг қарор ва топшириқларида белгиланган вилоят статистика бошқармасига юкланган топшириқлар бўйича бошқарманинг таркибий бўлимлари ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва маълумотларни атрофлича таҳлил қилган ҳолда умумлаштиради;

бўлимга юкланган масалалар бўйича вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари ва туман (шаҳар) статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатилади;

Вилоят статистика бошқармаси буйруқлари, иш тартиби (регламенти) ва бошқа қарорларида, шунингдек уларнинг ижроси юзасидан вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлимлари ва туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган назорат (ҳаракат, чора-тадбирлар, график) режаларида белгиланган топшириқлар ижроси ҳолати бўйича мониторинг назоратини ўрнатади ҳамда умумлаштирган ҳолда таҳлилий маълумотларни тайёрлайди;

Вилоят статистика бошқармасининг, туман (шаҳар) статистика бўлимларидан амалдаги тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни электрон ва имзоланган шаклларида белгиланган муддатларда олиниши ҳамда назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда мониторинг олиб борилишини назорат қилади;

Вилоят статистика бошқармасининг умумий мажлислари ва Кенгаш йиғилишларида, ҳар ойнинг иккинчи ва охириги жума кунлари вилоят статистика бошқармаси тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга ошириладиган

чора-тадбирлар мониторинг яқунлари юзасидан ўтказиладиган йиғилишда иштирок этади ва баённомада қайд этилган топшириқлар ижроси юзасидан мониторинг ўрнатади;

Вилоят статистика бошқармасининг, туман (шаҳар) статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади ҳамда иш юритиш, ҳужжатларни рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланиш ҳолатини ўрганиб боради;

Бўлим бошлиғининг топшириғига кўра, келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қайд этилган масалаларни кўриб чиқилишида зарур бўладиган маълумот ва ҳужжатларни тайёрлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Бўлим 1-тоифали мутахассиси, иш юритувчиси:

лавозим йўриқномасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бўлимга тегишли бўлган ҳисоботлар, маълумотлар ҳужжатларни сифатига, тўғрилигига ва ўз вақтида тайёрланишига шахсан жавоб беради;

бўлимда ҳужжатлар билан ишлашда, топшириқлар ижросини таъминлашда ҳамда ижро интизоми ҳолатини тизимли таҳлил қилишда “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат Давлат статистика қўмиталари, идоралари ва хўжалик бирлашмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича методик тавсиялар тўплами”да белгиланган тартибларга қатъий риоя қилади;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш, жумладан Давлат статистика қўмитасидан, вилоят ҳокимлигидан, вазирлик, идора ва ташкилотлардан бевосита, электрон почта орқали ҳамда “Е-хат” электрон тизими орқали келган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, корреспонденцияларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва идоравий ички электрон ҳужжат айланиш тизимига киритиш ва бу борада иш юритишни белгиланган тартибда назорат қилиб боради;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган ҳужжатларни дастлабки кўриб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва ўринбосарларига белгиланган вазифалар тақсимоти асосида резолюция қўйиш учун киритади;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушган “ХДФУ” ва “ХФУ” ҳужжатларини рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланишини таъминлайди ҳамда назоратини амалга оширади;

Вилоят статистика бошқармасининг қўйи тизимларидан амалдаги тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни электрон ва имзоланган шакллари белгиланган муддатларда олиниши ҳамда назоратга олинган ҳужжатларнинг ижроси бўйича доимий равишда мониторинг олиб борилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармасига келиб тушадиган ва жўнатиладиган ҳужжатлар билан белгиланган тартиб ва муддатларга биноан ишлайди ва уларни белгиланган манзилларга жўнатади;

белгиланган тартибга кўра, Назорат карточкалари (1б, 2б, 3б)ни юритилишини таъминлайди;

Йўриқномага мувофиқ ҳужжатларни, шу жумладан вилоят статистика бошқармасининг қарор ва буйруқларини, юқори ташкилотлар ҳужжатларини қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш, ҳисобга қўйиш ва тегишли таркибий бўлимларга берилишини амалга оширади;

Рўйхатга олинган ҳужжатларни раҳбариятга киритади, раҳбар топшириғи (резолуцияси)га асосан ижрочиларга етказди, таништиради ҳамда ижросини назоратга олади;

Вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари, қарорлари ва қўшма қарорларини рўйхатдан ўтказди, ҳисобини юритади ва сақлайди;

Вилоят статистика бошқармаси томонидан Давлат статистика қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, вазирлик, идора, корхона ва ташкилотларга юбориладиган хат ҳужжатларни ўз вақтида (почта орқали) е-хат орқали юборилишини ташкил қилади;

Вилоят статистика бошқармасида ижро интизомининг автоматлаштирилган назорати (Stat.Doc) дастуридаги ижроси бажариладиган ҳужжатларни ўз вақтида маълумотлар базасида тартибга солиш мақсадида, бўлимларда иш юритиш бўйича жавобгар этиб тайинланган ходимлар билан иш олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларида Давлат статистика органларига тегишли топшириқларни бажарилиши бўйича Вилоят статистика бошқармасининг, туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва маълумотларни атрофлича таҳлил қилган ҳолда умумлаштиради;

бўлим фаолиятига оид масалаларда Вилоят статистика бошқармасининг, туман (шаҳар) статистика бўлимларига тегишли маслаҳатларни бериб, амалий ёрдам кўрсатади;

Вилоят статистика бошқармасининг Вилоят статистика бошқармасининг, туман (шаҳар) статистика бўлимларида ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширувларида иштирок этади ҳамда иш юритиш, ҳужжатларни рўйхатга олиниши, ижро этилиши ва сақланиш ҳолатини ўрганиб боради;

Бўлим бошлиғининг топшириғига кўра, келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қайд этилган масалаларни кўриб чиқилишида зарур бўладиган маълумот ва ҳужжатларни тайёрлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.